



“ 15 ” май 2020 у № 40

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4273-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 686-сон қарори билан юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш, тизим ходимлари учун масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш курсларини ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида,  
**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтида масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил этиш ва ўтказишнинг вақтинчалик тартиби (кейинги ўринларда – Вақтинчалик тартиб) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти (кейинги ўринларда – Институт) ва ҳудудий статистика бошқармалари раҳбарлари:

Вақтинчалик тартибни раҳбарлик ва сўзсиз ижро учун қабул қилинишини;

“Давлат статистика органлари ходимларини 2020 йилда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш дастури”га киритилган ўқув курсларини масофадан ўқитиш усули орқали ташкил этишда Вақтинчалик тартиб талабларига қатъий амал қилинишини;

тасдиқланган дастур ва режа-жадвалига асосан қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига тизим ходимларини ўз вақтида ва тўлиқ жалб этилишини;

масофавий ўқув курсларига жалб этилган тизим ходимларининг белгиланган вақт давомида масофавий таълим курсларида тўлиқ ва сифатли шуғулланишлари учун барча зарур ташкилий шарт-шаротлар яратилишини таъминласинлар.